

ХИТОЙ БАРБАРИСИ

Жабборов Бахтиёр Искандарович

Бухоро ДУ Биология кафедраси катта ўқитувчиси

Email id: aziza_bakhtiyorovna@list.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6321313>

Аннотация: мақолада доривор ўсимликларнинг қўлланилиши, Хитой барбариси унинг дориворлик хусусиятлари, ўсимликнинг биологияси, дориворлик хусусиятлари касалликлар ва уларда ишлатилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: Хитой барбариси, дереза, Годжи, *Lucium barbarum*, бўри мева, резавормева.

Кейинги йилларда инсониятнинг тиббий маданияти ошиши билан бир қатор уларнинг сунъий тиббиёт воситаларидан кўра табиий воситаларга бўлган эҳтиёл ортиб борапти. Анъанавий тиббиётнинг, фан-техниканинг ривожланиши ба маҳсулотлар ҳақида тўла-тўқис маълумотлар олиш ва мутахассислар билан онл суҳбатлашиш имконини ҳам берапти.

Каронавирус пандемияси авж олган ҳозирги кунларда доривор ўсимликлар фойдаланиш кенг йўлга қўйилди. Хусусан, таркибида лимон кислотаси, кислотаси, аскорбин кислотаси ва флавоноидлар сақлаган мева ва сабзавотлар истеъмол қилинмоқда.

Маҳаллий ўсимликларимиз билан бирқаторда чет мамлакатлардан келтирилган ўсимликлар ва уларнинг аралашмалари, доривор ўсимликларни деярли дорихоналарда учратиш мумкин. Доривор ўсимликларни четдан олиб келиш билан бир қаторда мамлакатимизнинг турли вилоятларида уларни иқлимлаштириш борасида ҳам жуда катта илмий-тадқиқот ишлари олиб бориляпти, шунинг учун ўсимликлардан бири Хитой барабариси, Годжидир.

Бу меванинг номи Годжи (*Lucium barbarum*) «Узоқ умр кўриш» меваси деб таъкилилади. Бу мева, атроф-муҳитнинг ёмон таъсирига қарши турувчи, организми кудратини оширувчи озиқ-овқат маҳсулоти сифатида Осиёда биринчи ўридан келтирилади.

Маҳаллий аҳоли бу ўсимликни Дереза деб ҳам аташади. Годжи ўсимлигининг фойдали хусусиятга эга моддалар ва элементлар сақлайди, баъзи турлари эса моддалар сақлайди, шунинг учун ҳам улардан табобатда фойдаланилади. Годжи таркибида ўн саккизга яқин аминокислоталар мавжуд, улар орасида алмашини аминокислоталар ҳам бор. Годжи меваси «Бўри меваси» деб номланадиган гуруҳга киритилади. Табобатда ва халқ табобатида бу мевадан иммунитетни

эркин радикаллардан ҳимояловчи восита сифатида, моддалар алмашиштириш, яхшиловчи, стрессга қарши курашувчанликни оширишда, нурланишга қарши воситаси сифатида (дамламаси), табиий оздирувчи, холестеринга қарши воситаси хасталикларида, юрак ишемик касалликларида, қондаги қанд миқдорини пасайтирувчи модда сифатида фойдаланилади.

Lucium barbarum таркибида германий элементи бор- бу саратон касалтига қарши воситаси бўлиб, табиатда жуда камёб, лекин у айнан Годжи меваси билан

минерал бўлиб, табиатда жуда камёб, лекин у айнан Годжи меваси билан

топилган. Годжи мевасини овқатга қўшимча сифатида истеъмол қилинганда инсон организмнинг барча тизимлари иш фаолиятини яхшилашда самарали воситаси ҳисобланади. Саратон касаллигининг турли хил босқичидаги беморларда, илмий-тиббий текширувлар ўтказиш жараёнида, тиббиёт дори-дармонларига қўшиб мазкур Годжи мевасини истеъмол қилинганда, мевани истеъмол қилмаганларга нисбатан ўлим ҳолати 60-70% га қисқарганлиги маълум бўлган. Годжи меваси таркибидан бетакаротин, минераллар, аминокислоталар ва каротиноидлар холестеринга қарши курашади, полисахаридлар ошқозон ости безининг инсулин ишлаб чиқаришини яхшилаб, қондаги қанд миқдорини мувозанатда ушлайди. Бетанин моддаси эса диабет касаллигида жигарнинг эрта ёғ босиши ва томирларнинг эрта шикастланишини олдини олади.

Шунингдек, Годжи ўсимлигининг таркибида 21 хил минераллар, калий, темир, кальций, мис, марганец, фтор, фосфор, рух, олтигугурт каби моддалар ҳам бор. Годжи ўсимлиги витаминларга ҳам бой бўлиб, қуритиш технологияси тўғрисида амалда оширилганда витаминларини тўлалигича сақлаб қолади. Витаминлардан В витамини, никотин, аскорбинка, токоферол, бетаин, ёғ кислотаси ОМЕГА 3-6-9 мавжуд.

Ўзбекистонда Навоий вилояти Кармана туманида иссиқхона шарт шартларда иқлимлаштириляпти, яқин кунларда Бухоро вилояти иссиқхоналарида ҳам иқлимлаштириш ишлари амалга оширилиши режалаштирилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Л.Р.Варданян, С.А.Айрапетян, Р.Л.Варданян, Р.С.Арутюнян, Г.Ю.Овчинникова. Антиоксидантная активность листьев и ягод годжи (Дереца обыкновенная).
2. Сафарова З. Т., Фармонова О. С. К. МЕДОНОСНЫЕ РАСТЕНИЯ УЗБЕКИСТАНА. //Scientific progress. – 2022. – Т. 3. – №. 1. – С. 1083-1084.

SERTIFIKAT

«ZAMONAVIT DUNYODA TA'ILIT FANLAR: NAZARIY VA AMALIY IZLANISHLAR» NOMLI

ILMIY, MASOFAVIY, ONLAYN

KONFERENSIYASIDA

ЖАББОРОВ БАХТИЁР ИСКАНДАРОВИЧ

«ХИТОЙ БАРБАРИСИ»

**НОМИ МАГОЛАСИ ЭИЛАН ИШТРОК ЕТГАНЛИГИ
УСНУН ТАОДИРЛАНДИ.**

09.02.2022

SANA

INNACADEMY.UZ

